

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14103-51

«4» май 2018 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ кўмитаси
раиси Б.Парпиевга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли қарорига мувофиқ парламент ва ҳукумат аъзоларидан ташкил топган худудий комиссияси томонидан Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганиб чиқилди.

Ўрганишда, туман мажбурий ижро бюросининг тадбиркорлик субъектларининг солиқ ва мажбурий тўловлари бўйича мавжуд қарздорликларини ундириш ҳақидаги инкассо топшириқномалари қўйилган бўлишига қарамасдан туман давлат солиқ инспекцияси томонидан муқаддам тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамларига қўйилган инкассо топшириқномаларини қайтариб олмаслик ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, мутахассислар билан ўтказилган ўрганишда Сирдарё туман мажбурий ижро бюросининг 120 та тадбиркорлик субъектларига нисбатан 1,3 млрд. сўмлик қарздорлик бўйича инкассо топшириқномалари қўйилган бўлишига қарамасдан туман ДСИ томонидан мазкур қарздорликлар бўйича инкассо топшириқномалари қайтариб олинмаган. Бунинг оқибатида тадбиркорлик субъектларининг сарсон бўлишига ҳамда ортиқча тўловлар ундириш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Мутахассислар билан ўтказилган суҳбатда улар томонидан бу каби ҳолатлар нафақат мазкур туманда, балки вилоятнинг бошқа туман (шаҳар)ларида ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Сиздан, ушбу масалаларни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, зарур чоралар белгилашингизни ҳамда амалга оширилган ишлар ва унинг натижалари ҳақида Қонунчилик палатасига ахборот беришингизни, шунингдек, бунга ўз нуқтаи назарингизни ёзма баён этишингизни сўраймиз.

Ҳурмат билан,

Бекзод Хатамович
АРТИКОВ